O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
TOMDI TUMANI
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ТАМДЫНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Янги Томди к. **№ Қ – 283** **« 26 » 10. 2020 йил**

Томди туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда) асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Томди туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (Н.Бекназаров), туман халқ таълими бўлими (М.Базарбаев), тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб

ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. Туман ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (А.Жузгенов), овул фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор "Тамды-шаруагері" газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2019 йил 22 августдаги "Томди туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида"ги Қ-306-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Бекназаров ва туман халқ таълими бўлими мудири М.Базарбаев зиммаларига юклансин.

Туман ҳокими **Қ.Алдабергенов**

Туман ҳокимининг
2020 йил " 26 " октябрдаги
Қ-283–сонли қарорига
илова

Томди туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)
Р Ў Й Х А Т И

№	Мактаб рақами	Мактабни жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (ОФЙ ёки кўча)
1.	1-мактаб	“Томдибулоқ” ОФЙ маркази	Туман маркази “Айтеке би”, “Навоий”, “Ш.Сарсенбаев” кўчалари
2.	1-мактабни 30-филиали	“Томдибулоқ” ОФЙ	“Қизилқудуқ” аҳоли пункти
3.	3-мактаб	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Аяққудуқ” аҳоли пункти маркази
4.	4-мактаб	“Томдибулоқ” ОФЙ	“Томдибулоқ” ОФЙ маркази “Казбек би”, “Ш.Сарсенбаев”, “Катта кўз” кўчалари
5.	4-мактабни 23-филиали	“Томдибулоқ” ОФЙ	“Ақтақир” аҳоли пункти
6.	5-мактаб	“Кериз” ОФЙ	“Кериз” аҳоли пункти
7.	6-мактаб	“Актов” ОФЙ	“Ажирикти” аҳоли пункти
8.	7-мактаб	“Сукетти” ОФЙ	“Сукетти” аҳоли пункти
9.	8-мактаб	“Шиели” ОФЙ	“Утемурод” аҳоли пункти
10.	9-мактаб	“Керегетов” ОФЙ	“Угизтау” аҳоли пункти
11.	10-мактаб	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Қулимбет” аҳоли пункти
12.	11-мактаб	“Шиели” ОФЙ	“Аққабақ” аҳоли пункти
13.	13-мактаб	“Керегетов” ОФЙ	“Жирик” аҳоли пункти
14.	17-мактаб	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Алдаберген” аҳоли пункти
15.	18-мактаб	“Томдибулоқ” ОФЙ	“Рохат” аҳоли пункти
16.	21-мактаб	“Томдибулоқ” ОФЙ	Туман маркази “Навруз”, “Абай”, “Олтин тоғ”, “Базар-Жирау” кўчалари
17.	25-мактаб	“Томдибулоқ” ОФЙ	Янги Томди қўрғони
18.	26-мактаб	“Керегетов” ОФЙ	“Ўрта кудуқ” аҳоли пункти

Изоҳ: Табиий фанларни чукурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати 7-синфдан бошлаб барча микроҳудудлардан иқтидорли ўқувчиларни танлов асосида ота-онасининг аризасига асосан, ДТМ томонидан тест топшириш (математика ва она тили фанларидан) орқали қабул қилади. Туман марказида жойлашган 1, 4, 21-умумий ўрта таълим мактаблари туман марказида истиқомат қиладиган барча мактаб ёшидаги болаларни (биринчи навбатда ўз микроҳудудидаги) таълимга тўлиқ қамраб олади.

Туман ҳокимлиги бош мутахассиси **Е.Маханбетов**

Туман халқ таълими бўлими мудири **М.Базарбаев**